



133

2015 у.г. "27" феврал № 272-К Самарқанд т-р Самарқанд

"Оҳалик" қишлоқ фуқаролар йиғини "Янгиарик агротехсервис" агрофирмаси
худудидан тадбиркорларга савдо дўконлари ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари
қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги
"Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид булмаган эҳтиёжлар
учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари
тўғрисида"ги 54-сонли ҳамда 2003 йил 20 августдаги 357 сонли "Тадбиркорлик фаолиятини
ташқил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш
тўғрисида" ги қарорлари, "Қишлоққурилишлойиха" масъулияти чекланган жамиятининг
2014 йил 11 июндаги № 6-14/245 сонли баёнини инобатга олиб, Ўзбекистон
Республикаси "Маҳаллий Давлат Ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. "Оҳалик" қишлоқ фуқаролар йиғини "Янгиарик агротехсервис" агрофирмаси
худудидан иловадаги рўйхатда номлари қайд этилган тадбиркорларга савдо дўконлари ва
маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари қуриш учун жами 0.09 га қишлоқ хўжалигида
фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер
танлаш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Оҳалик қишлоқ фуқаролар йиғини Ўрташиқ маҳалласида тасдиқланган лойиха
асосида тадбиркорларга 1 иловадаги рўйхат асосида ер майдонлари ажратилсин, ҳамда
рўйхатда номлари қайд этилган тадбиркорлар томонидан катъий равишда Ўзбекистон
Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда
архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиха ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши
экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи
ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Қадиروف